

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

Ўзбек
تیلی
ۋە
ادابىيىتى

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ



6
2004

басдига оладиган бўлишади. Газетда чиқаради, радиода гапиртиради. Қўшни қишлоқлардан сўраб-суриштириб кела...». «Бозор ака! Вой, ўлмасам!...». «Фақат-чи, Шабнам, сен сира қўрқмагин, одамга айлансанг, ў-ў, жонимиз кирарди-я!»! Осмондан тушадими, ердан чиқадими — сўроқчи зотидан чўчимайсан, негаки, жавобинг тайин бўлади...».

Бу парчада биз уйғонаётган янги бир авлоднинг дунёсига дуч келамиз. Чунки Бозор ўзининг кимлигини англаб етиш йўлини босиб ўтди. У бу йўлда кўп машаққатлар, азоблар тортди. Оқибатда ўзининг кимлигини ва қандай яшаш кераклигини англаб етди.

Х. Дўстмуҳаммаднинг «Сўроқ» қиссасида янги адабий типларни кўриш мумкин. Муаллиф бу адабий типларни яратишда турли хил усулларни қўллаган. Улар асардаги бошқа адабий типларнинг характерларини очиб беришга бўйсундирилган. Қиссада муаллиф бадний шакл масалаларига эътибор қаратиб, ҳар бир образнинг қиёфасини, характерини алоҳида бобларда очиб беради, китобхонда ҳар бир образ ҳақида муайян таассурот уйғотади.

САЪДУЛЛА МАТЕҚУБОВ

ТОҒАЙ МУРОД ҲИКОЯЛАРИ

Тоғай Мурод — қисса ва романлари билан адабий жамоатчилиكنинг назарига тушган адиблардан бири. XX асрнинг 70-йилларида ёзувчининг бир қатор ҳикоялари чоп этилди. Уларнинг айримлари кейинчалик носирнинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди»¹ китобига киритилган. «Бобоси билан невараси» (1966), «Кузнинг бир кунда» (1967), «Ку-ку...» (1970), «Эр-хотин» (1970) ҳикояларининг тўртовви ҳам муайян муштарак хусусиятларга эга. Бу муштараклик даставвал Т. Муроднинг ҳикоя сюжетини мураккаблаштириш ва кескин драматик зиддиятлардан тийилишида кузатилади. Ҳар бир ҳикояда бирон-бир зиддият, ҳаётий лавҳа ёхуд воқеа оддийгина тасвирланади. Шу тасвир давомида ижтимоий-ахлоқий ва эстетик муаммоларга аҳамият қаратади ва ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришларга муносабат билдиради. Иккинчидан, инсон ва унга эътибор, табиат ва инсон муносабатлари, гўзаллик туйғусига ошуфталик, меҳр-мурувват масалалари пок ва самимий туйғулар билан қаламга олинади.

Бу ҳикояларда инсон шахсиятига диққат-эътибор кучли бўлганлиги учун руҳий таҳлиллар анча теран. «Бобоси билан невараси»да ёзувчи оламни уч яшар невара Исмоилнинг беғубор қалби билан кўради. Ҳар бир нарсага сўнгсиз бир ҳайрат билан боқаятган болакай аста-секин дунёни ўзича кашф эта боради. Катталар ҳам, болалар ҳам тирикчилик ташвишлари билан шу қадар бандларки, нафақат невара, балки унинг бобоси ҳам ўзини гўё унутилган ва эътибордан четда қолгандай сезади. Исмоилнинг улғайиш, ўсиш ҳақидаги ширин орзулари, бу оламда энг керакли нарса шоколад ва ширин сув деб билиши, барча нарсани ширинликка таққослаб кўриши китобхонни беихтиёр ўз болалигининг олис хотиралари сари етаклайди. Болаликка хос беғуборлик, поклик ва самимият алоҳида бир меҳр билан қаламга олинса-да, ҳикоянинг умумий руҳида инсонга бўлган эътибор сусайганлигидан ачиниш туйғуси бўртиб кўринади. У китобхонни ҳушёрликка, атрофимизни қуршаган кишиларга муносабатимизни қайта баҳолашга ундайди.

«Кузнинг бир кунда» ҳикоясида ёшликдан она меҳрига зор ўсган, ҳаёт машаққатларини татиган, ҳалол меҳнати билан улғайган софдил

¹ Қаранг: Мурод Т. Бу дунёда ўлиб бўлмайди (роман, ҳикоялар, мақолалар). Тошкент, 2001. 169—185-бетлар.

инсон — домла Обидович ўз талабасининг қалбини бемаврид жароҳат-ламаслик, Ақромжон Раҳимжоновга «онаси вафот этгани» ҳақидаги хабарни қандай етказиш ҳақида узоқ қайғуради. Ҳолбуки, у Обидович ўйлаганчалик содда ва беғубор йигит эмас: домла олдида қўлини кўксига қўйиб, одобли йигит қиёфасида, телефонистка олдида нажотга муҳтождай, адажониси билан суҳбатда эса мағрур ва ҳокимона қиёфада кўринади ва сўзлайди. Бу билан Ақромжон соддадил, қалби пок кишилар устидан кулгандай бўлади. Ҳикоя воқеалари пахта йиғим-терими айти қизиган оддий бир кунда бўлиб ўтади. Ўз онасини ёлғондакам ўлдига чиқариб бўлса ҳам, ўзининг тинчини ўйлаётган, жафокаш деҳқон меҳнатини енгиллаштиришдан ўзини олиб қочаётган бу ёш йигит нафақат тенгқурлари ва устози, балки деҳқон меҳнатига нисбатан ҳам номардларча йўл тутайди. Ақромжоннинг маънавий-ахлоқий фожиаси ачинашга лойиқ. Бироқ унинг бу интилишларини рағбатлантириб, унга ҳомийлик қилаётган, элнинг «катта»си бўлган адажонисининг фожиаси чинакамига ачинарли ҳодиса эканлиги муаллиф талқинида яққол сезилиб туради. Ҳикояда бир-бирига зид йўналишда тасвирланган образлар орқали Т. Мурод китобхонни жамиятнинг ижтимоий-ахлоқий муаммолари билан ошно қилади. Таълим-тарбиядаги бўшлиқнинг катта ижтимоий фожиаларга сабаб бўлиши мумкинлигидан огоҳ этади.

«Ку-ку-ку...» ҳикоясида ҳам муаллиф ана шу контраст тасвир усулидан ушумли фойдаланган. Ҳикоя қаҳрамонлари шаҳар истироҳат боғи директори ва унинг муовинидир. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам расмий юмушлар гирдобига шўнғиган. Уринбосар директор дам олишга кетганида бош раҳбар вазифасини бажаради. Она табиатни, қушларни, тасвирий санъатни, мусиқани севади. Ҳар бир инсон фарзандини, Шишқин суратларини, Рембрандт, Рафаэль, Боттичеллининг нодир асарларини томоша қилишни хуш кўради. Қушлар нағмасидаги табиийликни бутун вужуди билан севади, буни тушунмайдиганларга эса ачинади. Албатта, бундай ихчам ва мухтасар чизгилар инсоний характер орқали берилганганига диққат қилиш лозим. Т. Мурод ўзининг ҳаётга бўлган фаол позициясини, тасвирлаётган воқеаларга муносабатини поэтик образ ва қаҳрамонлар тасвирида очиқ-ойдин кўрсатади. Қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари ёзувчининг аҳвол-руҳиятидан, ҳолат ва кайфиятидан тамомила бегона эмас. Уринбосар табиат билан ҳамнафас яшайди, мусича болаларини ўзига биродар деб билади. Кекса боғ қоровули ҳам унинг қувончига шерик, юмушларига мададкор бўлади. Таассуфки, директор курортдан қайтиши билан мусича болалари чиқиндилар қутисига ўлоқтирилиб, Уринбосар ишдан ҳайдалишга ҳукм этилади.

Ҳикояда меҳр-мурувват ва шафқатсизлик тўқнашади. Муаллиф ёруғ оламга сўнгсиз меҳр билан боқиб баробарида, нафосатдан, гўзалликдан йироқ кишиларнинг ёрқин характерини кўрсатиш орқали қалбини эгаллаган маънос оҳанглари китобхон руҳиятига кўчира олади.

Халқимизда «Эру хотин — қўш хўкиз» деган гап бор. «Эр-хотин» ҳикояси маъзига худди шу ҳикмат сингдирилган. Адиб ҳикояда анъанавий стереотипик тасвирлардан қочади. Уттиз ёшни қоралаган Уролбой ҳаётда одам боласи жуфт бўлиб яшашни, бола-чақа орттириши керак, деган оддий инсоний эҳтиёж туфайли кўнглига жуда яқин бўлмаса-да тикувчи қиз Барчинойга уйланади. Ёшлиги ўтиб қолган Барчиной ҳам муҳаббатни теран ҳис қилиб эмас, эҳтиёж туфайли бундай жуфтлашишга розилик билдиради, яъни кўнгилсиз турмуш қуради. Янги туғилган чақалоқ оилага фойз киритгандай бўлади. Шоир бу оламда фарзанд нақадар ардоқли эканини ҳис этади. Шу боис кунларнинг бирида шоирнинг кўнгли мусаффо ҳавода сайр этишни, аёли ва фарзанди билан кинога тушишни тусаб қолади. Бироқ унинг қалби шоирона тасаввурлар билан оввора, у ўз аёлини атлас кўйлақда, миллий либосларга бурканган ҳолда кўришни истайди, лекин бунинг акси бўлиб чиқади.

Ўзини маданиятли санаётган айрим хотинлар каби Барчинининг камзул-шим кийиб чиқишини шоир асло ҳазм қила олмайди. Онда бўладиган оддий тортишув натижасида шоир қўлига эрк бериб юборади. Умрида биринчи бор аёл зотига қўл кўтарганидан афсусланади, бироқ у аёлини овутини, қалбига қўл солини ва юпатишга ожиз. Барчиний эса айнан эрининг овутини ва ширин сўзларга маҳтал эди. Эркаклик гурури устун келиб, руҳан қийналаётган бўлса-да, хотинига ён босишни истамаган Уролбой ўз туйғуларини юзага чиқара олмайди. Кўнгилсиз турмуш бузилиб кетишига бир баҳя қолганида қишлоқда яшайдиган тоға ва танишлар меҳмонга келиб қолишади. Борини ошириб, йўғини яшириб, ҳатто юзининг кўкарганига ҳам баҳона топиб, меҳмонларга сир-бой бермаган хотинига нисбатан шоирнинг қалбида туйқус бир меҳр уйғонади. Қалби худди ўқувчилик йилларидаги каби кўпириб тошади. Меҳр-мурувватдан нурланади. Бунга жавобан аёлига салгина меҳр кўрсатиб қўйганида бечора аёл эрининг бўйнига осилиб, йиғлаб юборади. Икки жуфтнинг қалбида кечган илиқ ва маъсум туйғулар инсон қалбини пазирлиқ тебранишларига сабаб бўлади. Ана шу нафис гўзаллик, беғуборлик ва самимият, меҳр-оқибат, шафқат туйғулари Т. Мурод ҳикояларига ҳаётий мазмун бағишлайди.

Т. Мурод ҳикоя жанрида «қўл қотиб қолмаслиги учун» ижод қилган бўлса ҳам, ҳаётий материалларни синчиклаб саралаш, ижтимоий типларни қиёслаш, ҳаёт оқимининг ички мантиқини кўра билдиш каби ўз услубига хос талай жиҳатларни шакллантиришда бу жанр адиб ижодида ўзига хос ўрин тутди. Кузатилган ҳикоялар муаллифининг юксак ахлоқий-гуманистик, ижтимоий-психологик қарашларини ақс эттиради. Умуман, Т. Мурод ҳикояларидаги ғоялар кейинчалик катта жанр — қисса ва романлари учун асос вазифасини ўтаган.

УҒИЛЖОН ПАНАЕВА

ОМОН МАТЖОН ИЖОДИДА ТАРИХИЙ КОНЦЕПЦИЯ

Тарихийлик Омон Матжон ижодига хос муҳим хусусият. Бу хусусият шоирнинг барча жанрдаги асарлари, жумладан, шеърларида ҳам асосий ўрин тутди. Шеърга кўчган давр ёки қаҳрамон эндиликда бизга маълумот, ёки оддий далил сифатида эмас, умуммиллий фалсафа сифатида таъсир ўтказа бошлайди. О. Матжон ижодида тарихий концепциянинг етакчилиги бир нечта муҳим омилларга бориб боғланади.

Биринчи омил — О. Матжон туғилиб вояга етган қадим Хоразм шонли тарихий воқеаларни бошидан кечирган макон ҳисобланади. О. Матжон Ватан деганда тарихий обидаларни, тарихий шахслар ҳақидаги ибратли ва фожий хотираларни ўзида жо этган Хоразмни тасаввур этиб улғайган. «Ижодкор маҳоратининг етуклиги шундаки, — деб ёзади бу ҳақда Ж. Жумабоева, — у тарихнинг тарих сифатида дахлсизлиги учун курашади ва унинг барча томонларидан кўз юммайди. Яна шу томони муҳимки, О. Матжон тарихий мавзудаги асарларида ўзи туғилиб ўсган воҳа — Хоразмнинг ўтмишига мурожаат этади. Бунинг сабаби шуки, шоир учун ўзи туғилиб ўсган тупроқ тарихини ўрганиш бошқа халқлар тарихини ўрганишга қараганда ҳам осон, ҳам фахрли. Зеро, ижодкорда кўз очган замин ўтмишига қизиқиш иштиёқи руҳий бир яқинлик туфайли, фарзандлик бурчинини теран ҳис қилиши сабабли пайдо бўлади»¹.

Иккинчи омил шоирнинг, асосан, мустабид тузум шароитида фаолият кўрсатганлиги билан белгиланади. Бу тузум бизни манқуртларга айлантиришни кўзда тутган. Бунинг асосий шартин эса миллатни тари-

¹ Жумабоева Ж. Омон Матжон. Тошкент, 1983. 69-бет.

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг 70 йиллигига

Н. Раҳимжонов. Ҳозирги адабий жараён бўлими	3
Н. Маҳкамов. Терминологиямиз тараққиёти йўлида	6

Адабиётшунослик

Т. Мирзаев, М. Жўраев. Серқирра олим	10
Н. Раҳимжонов. Тарихий романлар тадқиқотчиси	61
А. Абдугафуров. «Бошимни олиб, эй Бобур...»	18

Тилшунослик

Ё. Тожиёв. Тилшуносликдаги баъзи муаммолар ҳақида мулоҳазалар	25
Ш. Камолiddин. Ҳошимгирд шаҳри номининг келиб чиқиши масаласига доир	30

Илмий ахборот

М. Аҳмедова. Қадим Шарқнинг мумтоз достони	35
И. Ҳожиёва. Тазкираларда Султоний таърифи	38
Г. Холиқулова. «Рустам ва Сўхроб» достони композициясига доир	40
Ҳ. Ҳасанова. Маърифатпарвар шоир	43
О. Қайумов. Шомон афсоналари	45
А. Ҳамдамов. Абдулла Орипов ижодида фольклор анъаналари	48
С. Махсумхонов. Шеърятда барг образи	51
Н. Мирзаева. Чехов ва Қаҳҳор новеллаларида «реал» олам ва «идеал» қаҳрамон	53
М. Умарова. Тарихий драмада бадий вақт	56
У. Тўлаганова. Бадий асарда илк жумла масъулияти	59
Л. Аҳророва. «Навоннома» шеърый романи тўғрисида	60
А. Холмуродов. Бадий тип яратилишнинг ўзига хос усули	63
С. Матқубов. Тоғай Мурод ҳикоялари	65
У. Панаева. Омон Матжон ижодида тарихий концепция	67
Р. Соибжонова. Бадий тўқима ва тарихий ҳақиқат нисбати	68
Ю. Каримова. «Қадрим» қиссасида инсоний қадрият	70
М. Абдуллаева. Таржимада миллий ўзига хосликни ифодалаш йўллари	71
Д. Лутфуллаева. Йўқликни билдирувчи гапларнинг лисоний-синтактик қолиплари	73
Ш. Шаҳобиддинова, З. Исоқов. Матн ва уни боғловчи воситалардан бири	75
А. Омонтурдиев. Профессионал нутқ тушунчаси	77
М. Сапарниёзова. Топишмоқларда метафорик маъно	78
Н. Улуқов. Наманган вилоятидаги ариқ номлари	81
Т. Чориев. «Садди Искандарий» достониди форс-тожикча сўзлар	83
З. Юнусова. Эски ўзбек тилида қуёш ва ой лексемаларининг хусусий қуршовлари	85